

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 657.5:658 (575.1)

ХАЗРАТҚУЛОВ КОЗИМЖОН ЗУЛФИҚОР ЎҒЛИ

**«ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ДАРОМАД ВА ХАРАЖАТЛАР
АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ»
(ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ОҚҚЎРҒОН ТУМАНИ
“МИКРОКРЕДИТБАНК” АТБ МИСОЛИДА)**

Мутахассислик: 5A230902 - «Аудит» (реал сектор бўйича)

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: н.ф.н. Муқумов З.А.

Тошкент- 2017

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш.....	3
I Боб. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ДАРОМАДЛАРИ ВА ХАРАЖАТЛАРИ АУДИТИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	7
1.1 Тижорат банклари даромадлари ва ҳаражатлари тушунчаси ва унинг иктисодий моҳияти	7
1.2. Тижорат банклари даромадлари ва ҳаражатларининг туркумланиши.....	17
1.3 Тижорат банклари даромадлари ва ҳаражатлари аудитининг хуқуқий асослари.....	26
II Боб. Тижорат банкларида даромад ва ҳаражатлар аудитининг амалдаги ҳолати ва унинг таҳлили.....	35
2.1 Тижорат банкларида даромад ва ҳаражатлар аудитини ўтказишнинг босқичлари ва унинг ўзига хослиги.....	35
2.2 Тошкент вилояти Оққўрғон тумани “Микрокредитбанк” АТБ даромад ва ҳаражатлар аудитининг амалдаги ҳолати.....	51
III Боб ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ДАРОМАД ВА ХАРАЖАТЛАР АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.....	65
3.1 Тижорат банкларида даромад ва ҳаражатлари аудитини ўтказишдаги мавжуд муаммолар	65
3.2 Тижорат банклари даромад ва ҳаражатлари аудитини такомиллаштириш йўллари.....	71
Хулоса ва таклифлар.....	83
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	88
Иловалар	

Кириш

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Банк тизимидаги ислохотларни амалга оширишда асосий эътибор илғор халқаро тажриба асосида пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш, валютани тартибга солишда бозор механизмларини жорий қилиш, банкларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини мустаҳкамлаш бўйича белгиланган вазифаларнинг сифатли ижро этилишини таъминлашга қаратилди. 2017 йилда валюта сиёсати ва бозорини либераллаштириш бўйича амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар шубҳасиз пул-кредит соҳасидаги ислохотларнинг энг муҳимларидан бири бўлди.

Банклар самарали фаолият юритишлари учун албатта уларнинг халқаро стандартлар асосида такомиллашган аудиторлик ташкилотларининг ҳам ўрни бекиёсдир. Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек, “Иқтисодиётни ривожлантиришда пухта ва барқарор банк-молия тизими улкан аҳамиятга эга. Биз аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг банк тизимига ишончини кучайтирмасдан туриб, “яширин иқтисодиёт”дан тўлиқ халос бўла олмаймиз. 2018 йилда банк тизими фаолиятини ривожлантириш бўйича белгиланган вазифаларни амалга оширишда банклар билан тадбиркорлик субъектлари ўртасида самарали ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини таъминлаш масалаларига асосий эътиборни қаратиш зарур. Валюта бозорини ислоҳ қилишга қарши бўлган айрим “экспертлар”нинг иккиланиши ва “маслаҳат”ларига қарамасдан, биз қисқа муддатда халқаро